



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

● 2012-йил, 6-декабр. Payshanba  
● 142-143 (31.575) ● www.uzbekistonovozi.uz  
● 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

◆ Ijtimoiy-siyosiy gazeta ◆

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

## МДХНИНГ АШХОБОД САММИТИ

**АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 5 ДЕКАБРЬ КУНИ ТУРКМАНИСТОН ПОЙТАХТИ АШХОБОД ШАХРИДА БЎЛДИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДХ) ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ.**

Саммит бошланишидан аввал Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг суҳбати бўлиб ўтди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов дўстона муҳитда, ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида ўтган суҳбатда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини, мамлакатларимизнинг МДХ доирасидаги ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилдилар.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иқтисодий ва гуманитар соҳаларда, хавфсизлини таъминлашда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарихий шартларда анъанавий гуманитар, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни сақлаб қоллишдаги объектив зарурат билан изоҳланади.

Ўтган йиллар давомида МДХ ўзини сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик масалаларини халқаро-ҳуқуқий воситалар ёрдамида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича сиёсий платформа сифатида керакли ташкилот эканлигини намойён этди.

МДХ ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги шаклини яратиш, минтақавий ва минтақалараро ривожланиш масалаларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатлари йиғирма йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳамда бугунги куннинг долзарб вазифаларини ҳал қилишда МДХнинг салоҳиятини мустаҳкамлашга интилиб келмоқда.

Айни пайтда Ашхобод саммити иштирокчилари МДХ доирасидаги мавжуд кўп томонлама ҳамкорлик механизмларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётини янада ривожлантиришга, халқлари фаровонлигини таъминлашга эришиш учун Ҳамдўстлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал асосларини тақомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Шундан келиб чиқиб, томонлар бундан кейин ҳам минтақавий ва минтақалараро муносабатлар тизимини шакллантиришда МДХ ролини мустаҳкамлашга, уни ҳамкорликнинг замон талабларига жавоб берувчи ривожланган ва самарали мека-

низм сифатида қарор топишида кўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Маълумки, бугунги кунда иқтисодий омилларнинг халқаро муносабатларни ривожлантиришга таъсирининг сезиларли даражада кучайиш тенденцияси кузатишмоқда. Шу боис ижтимоий-иқтисодий масалаларни комплекс ҳал қилишда МДХнинг иқтисодий ҳамкорлиги соҳасидаги салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш биринчи навбатдаги вазифа экани таъкидланди. Халқаро транспорт-коммуникация йўлақларини яратиш, энергетика ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, экспорт имкониятларини юқлатириш ва сармоявий фаолиятни рағбатлантириш бу борадаги муносабатларни ривожлантиришдаги энг истиқболли йўналишлардир.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш — МДХни тўлақонли ривожлантиришнинг муҳим вазифаси эканлиги қайд этилди.

Томонлар Ҳамдўстлик фаолияти ва унинг шартномавий-ҳуқуқий асосини халқаро жараёнларни бошқаришнинг жаҳон таърибасини ҳисобга олган ҳолда янада тақомиллаштириш бўйича ҳамкорликдаги ишларни давом эттириш мақсадаги мувофиқ эканлигини таъкидладилар. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш зарурлигига қатъий ишонч билдирилди.

Саммит якунлари бўйича МДХ Давлат раҳбарларининг Хар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, МДХда 2013 йилни Экологик маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йили деб эълон қилиш тўғрисида, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича илгари эришилган келишувларнинг амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Давлат раҳбарларининг қарорига кўра, МДХ раислиги Беларусь Республикасига ўтди.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини 2013 йилнинг октябр ойида Минск шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ**  
Тошкент — Ашхобод — Тошкент



Аббас АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎНИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

**2012 йил 5 декабрь куни тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очилди. унда вазирлар маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. мажлисни Олий мажлис Сенатининг раиси И.СОБИРОВ олиб борди.**

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Масалани кўриб чиқиш вақтида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма йил-

60 ёшдан ошган эркакларни, чет давлатларнинг фуқароларини жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) назарда тутилган. Шунинг билан бир қаторда Сенат Қароридан яна бир неча тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилган, шунингдек, амнистия тўғрисидаги қарорнинг амал қилиши таъсир этмайдиган шахслар доираси белгиланган.

Сенат ўзининг қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини қўллаш тартибини белгиланган бўлиб, унда амнистия бўйича жазодан озод қилиниши керак бўлган шахсларга доир ишлар ва материалларни суд томонидан қўриб чиқиш тартиби-таъмили белгиланган. Шу билан бирга сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашилари депутатлари, Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланилиши, шунингдек, уни қўллаш тартиби-таъмилининг очiq-ойдинлиги таъминлини устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлашга, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштиришга, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎзХДП ҳаётидан БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

**ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА МАҲАЛЛИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ТУРКУМ ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.**

Партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Хайъатининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан «Конституция дарслари»ни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унга кўра, жорий йил 4 декабрда партия Марказий Кенгаши, барча вилоятлар, туман, шаҳар кенгашларида ҳамда йирик БПТда «Ўзбекистон Конституцияси — Ватанимиз мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори» мавзусида «Конституция дарслари» ўтказилди.

Шундай тадбирлардан бири партия Марказий Кенгаши ташаббуси билан



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

(Давоми 3-бетда.)

Темурийлар тарихи давлат музейида ўтказилди. Мазкур амалий семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг Тошкент шаҳар ва туман ташкилотлари мутахассислари, БПТ етакчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.

### Давра суҳбати

## СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШДА

### ОАВнинг ўрни

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ Қўмитаси ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «АҲОЛИНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ, ФУҚАРОЛИК ФАОЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАТБУОТНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган мазкур тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этди.

Тадбирда сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бугунги кунда тобора муҳим аҳамият касб этаётгани, бу жараёнда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта экани қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳозирда 1280 дан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситалари фаолият кў-

сатмоқда. Уларнинг 60 фоиздан зиёдини мустақил ОАВ ташкил этди.

Давра суҳбатида аҳолини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятдан доимий хабардор қилиб бориш, ОАВда таҳлилий-танқидий ёндашуви кучайтириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар самарали бажарилишида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги фикрлар ҳамда қонунчилик ташаббуслари амалга ошиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Хусусан, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситалари

ролини кучайтириш жуда муҳим.

— Давра суҳбатида парламент томонидан қабул қилиниши назарда тутилаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан парламентчилик фикрини ўрганишда ОАВ муносиб ҳисса қўшаётгани, келгусида бу масалага эътиборни янада кучайтириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. — дейди **Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси Ўктам Усмонов**. — Депутатлар оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш боғлиқда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот беришди. Бу каби амалий тадбирлар журналистика соҳасига энди кириб келаятган биз каби ёшларнинг келгусида ўз касбининг фидойисини, етук мутахассиси бўлиб етишишимизга хизмат қилади.

**Гулрўх ОДАШБОВА,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

# ЗАМОНАВИЙ СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

масалалари таҳлил қилинди

**ЎзХДП МК ТАШАББУСИ БИЛАН УРГАНЧ ШАХРИДА «ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРИШДА УМУМ-ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ» МАВЗУСИДА МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда ЎзХДП Қорақалпоғистон республика ва Хоразм вилоят кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, ҳуқуқшунос экспертлар ҳамда ёшлар иштирок этди. Семинарда таъкидландики, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг жамият раванкига таъсир кучини оширишга хизмат қилмоқда, электротат билан ишлаш, унинг манфаатларини ҳимоя этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, бунда замонавий сиёсий технологиялардан унумли фойдаланишни тақозо қилаётти.

лардан самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Давра суҳбати ва семинар-тренинглари ўзаро фикр алмашиш руҳида ўтказиш, унда аниқ ҳаётий мисоллардан фойдаланиш яхши натижа беради. Шундан келиб чиқиб, партия электорати вакиллари билан ишлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни изчил ўтказишга эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида электротатни ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни чуқурроқ ўрганиш, уларни ҳал этиш чораларини партия фаоллари ташаббуслари асосида ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтирмоқда.

**Ғулום САФОВЕВ, Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси:**

— Сиёсий партия аъзоларининг ҳуқуқий билими юқори бўлиши жамиятда ижтимоий-сиёсий фаоллик ортиши, фуқаролик позицияси шаклланишида муҳим ўрин тутди. Ҳар бир партия аъзоси ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, атрафдоғиларга фикрини аниқ етказиб бера олиши зарур. Институтимиз томонидан олиб берилган ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги айрим депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳуқуқий билимини ошириш, фуқароларни қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлардан хабардор қилиб бориш масалаларига етарли эътибор қаратмаётди. Бу каби камчиликларни бартараф этиш, сайловчилар билан ишлашда таъсирчан усул ва техно-

логияларни кенг қўллаш бўйича тегишли чораларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

**Нигора ЯХШИМУРОДОВА, ЎзХДП Богот туман кенгаши раиси ўринбосари:**

— Семинарда билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан кўп нарсга ўргандик. Улар фаолиятимизни кучайтиришда, хато-камчиликларимизни бартараф этишда қўл келади, албатта. Айниқса, иштирокчилар орасида ёшларнинг кўплиги, уларнинг фаоллиги, асосли, долзарб масалаларни кўтариб чиқишгани эътиборга лойиқ.

Шунингдек, тадбирда партия ташкилотларининг ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланган ҳолда иш олиб бориши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, бошланғич ташкилотлар даражасида сиёсий технологияларни қўллашнинг аҳамияти катта экани эътироф этилди. Бунда асосан жамоатчилик билан алоқалар технологияси ва унинг илғор шаклларида фойдаланиш, электротат муаммоларини чуқур ўрганиш ва уларнинг ечимини топишда эътибор берилмаган асосий жиҳатлар ҳақида атрафлича сўз борди.

Тадбир давомида баҳс-мунозараларга асосланган интерактив машғулотлар ташкил этилди. Семинар иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ҳар бир гуруҳга берилган долзарб масала ечими бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ва амалий таклифларини билдиришди.

**Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП ҳаётидан

# БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Семинарда сўзга чиққанлар Конституция асосида юртимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлашди. Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоя тамойилини янада мустаҳкамлашда бу ҳужжат улкан аҳамият касб этиши қайд этилди.

— Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар ҳаётимизда ўз ифодасини топиб келмоқда. Фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш, ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатланган, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуманноб РАҲИМОВ**. — Кишилар ўзи меҳнат қилаётган соҳада салоҳият ва иқтидорини намоён этиб, давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар самараси Конституцияимизда кафолатланган тамойиллар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши, фуқароларнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдек эзгу ғоя атрафида жипслашишида Бош Қомусимиз муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

— Конституцияимизнинг 41-моддасида ҳар ким билми олиш ҳуқуқига эга экани, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши белгилаб қўйилган, — дейди **талаба Нигора ДЕҲҚОНОВА**. — Бундай имкониятлардан самарали фойдаланган ёшлар бугун ҳар жабҳада ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Конституцияимиз ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрликнинг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Шу боис уни чуқур ўрганишимиз, белгиланган ҳуқуқий кафолатларнинг аҳамияти ва моҳиятини яхши билишимиз ғоятда муҳим.

Семинарда Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ЎзХДПнинг ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди. Хусусан, партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, электротат манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида «Сиз Конституцияни биласизми?» деб номланган викторина ўтказилди. Унда иштирокчилар фаол қатнашиб, Бош Қомусимиз ҳақидаги билимларини синовдан ўтказишди.

**Гулрўх САЙФИДИНОВА**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# «КОНСТИТУЦИЯ — БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ»

мавзусида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари билан жойларда учрашувлар бўлиб ўтди

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎТГАН УЧРАШУВДА ТАҲРИРИЯТ ХОДИМЛАРИ, УНИВЕРСИТЕТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБАЛАР ВА ОАВ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Учрашувни ТерДУнинг илмий ишлар бўйича проректори Чори Нормуродов кириш сўзи билан очиб, бош қомусимизда белгиланган фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи ва кафолатлари ҳақида атрафлича тўхталди. Шундан сўнг «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов матбуот ва сўз эркинлигига оид конституциявий кафолатнинг амалдаги ижроси ва журналист масъулиятига оид фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таҳририятнинг келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб берди.

Самимий руҳда кечган учрашувда талаба ёшлар газета фаолияти, ундаги мавзугар таъсирчанлигини ошириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. — Конституция ҳар бир мамлакат ва миллат тараққийнинг пойдевори, — дейди **З-босқич талабаси Нигора Нормуродова**. — Бугунги учрашув ҳам шу мавзуда ўтаётгани барчамизни хурсанд қилди. Мазкур газетада бериб бориладиган мақолаларни қизиқиб ўқиймиз. Менга, айниқса, танқидий-таҳлилий ва долзарб мавзулардаги чиқишлар ёқади. Утган даврда Тожикистон альяминий заводи, Роғун ГЭСи ва Сарез қўли хусусидаги мақолалар катта таассурот қолдирди. Маълумки, ҳар йили Сурхондарёдаги юздан ортқ касб-ҳунар коллежларини минглаб ёшлар битиради. Аммо, уларни иш би-



ларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берилди. Шоир Шафоат Раҳматулло Термизийнинг Она-Ватан, Мустақиллик, Озодлик тараннум этилган шеър-



лари иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди. Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу тад-

◆◆◆

Термиз банк коллежида бўлиб ўтган навбатдаги тадбирда ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши мутасаддилари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, фаоллар, депутатлар иштирок этди. Унда сиёсий партиялар фаолияти учун яратилган конституциявий кафолатлар, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрни ҳамда вазифалари тўғрисида фикр юритилди. Шунингдек, бу жараёнда партия ташкилотлари ва партия насллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Ошқора ва очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда партиянинг жойларда таъсирини янада ошириш ҳамда бу борада унинг насллари олдига турган долзарб масалалар хусусида фикрлашилди. — Газета саҳифаларида электротатимиз манфаатларига доир масалалар — янги иш ўринларини яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар сифати, нархи, газ, электр таъминоти ва бошқа масалаларга оид долзарб мавзуларнинг ёритилаётгани яхши, — дейди **ЎзХДП Музробод тумани кенгаши раиси Панжи Норматов**. — Назаримизда, бу борадаги материаллар сони ва сифатини янада кучайтириш мақсадга мувофиқ. Айниқса, жойлардаги партия ташкилотларининг амалий ишларини кўпроқ ёритиш керак, деб ўйлайман. Учрашувларда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Иброҳим Ёқубов иштирок этди. **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Учрашув

Реклама

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

**2013 йил 10 январь кун бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидоги очқ аукцион савдоларини ўтказиш**

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темуր шох кўчаси, 16-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси балансидаги 2004 й. и/ч, д/р 01/062DCA, бошланғич нархи 59 058 000 сўм бўлган «NISSAN MAXIMA», 1995 й. и/ч, д/р 01/129EBA, бошланғич нархи 15 307 200 сўм бўлган «ДЭУ СУПЕР САЛОН» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг қамиди 20 фоизи миқдоридоги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 20208000904929318002 ҳисоб-рақамига тўланади.

Савдо қолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотиб шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўлуғунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқоридоги белгиланган савдо кунидо сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталаarning **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиб билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқоридоги кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қўйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шох кўчаси, 16-«А»-уй. Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40, телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2012 йил 22 ноябрь кун ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, «Grand Mir» МЧЖ ҚҚ балансидаги д/р 10AP622 бўлган «ГАЗ-31105» 14 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги давом этади!

## КОРХОНАНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИ КАФОЛАТИ

**БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ЎЗИНИНГ САЛМОҚЛИ ҲИССАСИНИ ҚўШИБ КЕЛМОҚДА. КОРХОНАМИЗДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЭСА АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА.**

Чунки ёнгин хавфи юқори бўлган ушбу корхонада углеводород ва нефть хомашёсини олиб келиш, қайта ишлаш, ҳосил бўлган тайёр нефть маҳсулотларини сақлаш ҳамда керакли манзилларга жўнатиш жараёнларида ёнгин ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Заводимизнинг асосий

цехларидан бири ҳисобланган 3-цехда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ишчи-ҳодимлар учун асосий масалалардан ҳисобланади. Чунки ушбу заводнинг бир меъёردа ишлаб туриши учун суюлтирилган ва газ ҳолдаги азот, кислород каби ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддаларни ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, цехда заводнинг барқарор ишла-

ши учун ҳаво ва буғ тайёрланиб, керакли участкаларга жўнатилади.

Цех ҳудудидаги 11 жойда ички ёнгин ўчириш жўмралари ўрнатилган. Бундан ташқари, содир бўлган ёнгинларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида цех 60 дона кукунли ва угле-кислотали ўт ўчиргичлар билан таъминланган. Ишчи-хизматчилар ўртасида ёнгинга қарши тушунтириш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги ойлиги муносабати билан кўшимча равишда деворий газета, лозунг ва паннолар тайёрланиб, цех ҳудудларига осиб қўйилди. Ишчи-хизматчилар билан суҳбатлар ва завод радиоузели орқали хо-

димларимизнинг чиқишлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, йил бошидан цехимизда ёнгин ва авария ҳолатларини бартараф қилиш режаси тузилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даври ичида шу режага асосан 43 марта ёнгинларни ўчириш бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Бундай тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ёнгин хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Дарҳақиқат, ёнгин хавфсизлиги корхонамизнинг барқарор ишлаши кафолатидир.

**Олим АСРОРОВ,**  
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи  
3-цех бошлиғи  
уринбосари.

## ГАЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!



ҲАММАМИЗ РЎЗФОРДА ГАЗДАН ФОЙДАЛНАМИЗ. БУНИНГ ЎЗ ҚОЙДАЛАРИ БОР. АФСУСКИ, ГАЗ МОСЛАМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАСЛИК НАТИЖАСИДА КўПЛАБ ЁНГИНЛАР КЕЛИБ ЧИҚМОҚДА.

Меҳрижон 3-тор кўча, 15-а уйда газ иситиш пичидан фойдаланиш вақтида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига

риоя қилмаслик ҳамда газ иситиш пичларининг дудбуронлари кўп йиллар давомида тозаланмаганлиги

оқибатида ёнгин содир бўлган. Хонадондаги уй жиҳозлари ёниб, катта миқдорда моддий зарар етган.

Ёнгинларнинг асосий қисми аҳоли яшаш уйларида ҳамда газ анжомларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлаётганини инобатга олиб, қуйидаги қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади:

- газ иситиш печларини ёқик ҳолатда ва назоратсиз қолдирманг;
- газ иситиш печлари дудбуронларини доимий равишда тозалашни таъминланг;
- дудбуронларнинг атрофини 38x38 см қилиб суванг ёки темир тунука билан қопланг;
- газ плиталари устида кийим-кечақларни қуритманг;
- газ плитаси устида қозон ёки чойнақларни назоратсиз қолдирманг;
- ёш болаларни газ плиталари яқинига йўлатманг.

Ушбу кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларга риоя қилсангиз, ёнгинларнинг олдини олишга катта ҳисса қўшган бўлар эдингиз.

**Улуғбек ТУРСУМАТОВ,**  
Миробод туман Ёнгин хавфсизлиги бўлими катта инспектори.



## «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Халқимизни  
мамлакатимиз  
Конституцияси кuni  
билан табриклайди!



Обод ва фаровон Ватанимиз тараққиёти  
йўлида амалга ошираётган эзгу  
ишларингизда ҳамisha омад ёр бўлсин!



Юртимизнинг  
ҳар бир  
гўшасида  
тинчлик-  
хотиржамлик  
ва фаровонлик  
бўлишини  
тилаймиз!



## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси



азиз  
юртдошларимизни  
8 декабрь – Ўзбекистон  
Республикаси  
Конституцияси қабул  
қилинганлигининг  
20 йиллиги  
билан табриклайди!



Юртимиз осмони мусаффо, ҳаётимиз  
фаровон бўлсин!

# «ЎЗПАХТАСАНОАТ»




уюшмаси жамоаси

халқимизни мамлакатимиз

Бош Қомуси қабул қилинганлигининг  
20 йиллиги билан табриклайди!

Хонадонларимиздан  
файзу барака аримасин!  
Юртимиз осмони мусаффо,  
истиқболи порлоқ бўлсин!



**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!**



## ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ  
жамоаси

барча юртдошларимиз ва ўз мижозларини  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ  
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод этади  
ҳамда энг эзгу тилаklarини билдиради.

Диёримизда доимо тинчлик ва осойишталик,  
оилаларимизда қут-барака  
ва шоду хуррамлик бўлсин!



**ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!**

## «ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»



унитар корхонаси  
жамоаси

жонажон юртимизнинг бағрикенг,  
меҳнатсевар халқини  
Бош Қомусимиз қабул  
қилинган кун билан  
қутлайди!

Чексиз орзу-умидларга, қувончларга  
тўла ушбу қутлуғ кунда барчага  
муштаҳкам соғлик, бахт-  
саодат, улкан зафарлар  
тилаймиз.

Юртимиз келажаги  
ёруғ ва порлоқ  
бўлсин!




# «АСАКА» БАНК



(ОАЖ) жамоаси

юртдошларимизни

**Ўзбекистон  
Республикаси  
Конституцияси  
байрами билан  
муборакбод  
этади!**



**Мамлакатимиз тараққиёти,  
юртимиз ободлиги, халқимиз тинч-тотувлиги  
йўлидаги ишларингизда ривож ва  
куч-қувват тилаймиз!**

**InfinBANK**

Ўзбекистон  
Республикасининг  
барча  
фуқароларини  
Конституция куни  
билан  
табриклайди.  
Сизларга  
сиҳат-саломатлик,  
бахт-саодат ҳамда  
фаровонлик,  
муваффақият ва  
омадлар тилайди!



**ДЕКАБРЬ —  
Конституция  
куни**

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАТТИҚ ҚОТИШМАЛАР ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ

очик акциядорлик жамияти жамоаси

**бунёдкор халқимизни Бош Қомусимиз —  
мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг  
20 йиллиги билан қутлайди!**

**Диёримиздан тинчлик-  
осойишталик, оилаларимиздан  
қут-барака ва шоду  
хуррамлик аримасин!**



**Байрамингиз  
муборак бўлсин,  
азиз дўстлар!**



# БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни  
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси  
20 йиллиги билан муборакбод этади.

Эл фаровонлиги, Ватан равнақи,  
юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик,  
хайрли ва эзгу ишларингизда  
муваффақиятлар ёр бўлсин!



#### MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

#### TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihiddin
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	MUHIDDINOV
Bobir ALIMOV	Tat'yana KISTANOVA	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

#### BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;  
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Sport va vatandorlik — 233-44-55;  
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

#### MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

Г — 1246

9458

nusxada

bosildi.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 00.00

Topshirilgan vaqti — 00.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

**Temur XUDOYBERDIYEV**

Sahifalovchi-dasturchilar:

**Sobirjon TUNG'ATOV,**

**Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5